

СОН СУЯГИ БОШЧАСИ ДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Назаров Иброҳимжон Рустамович¹

олий тоифали ортопед-травматолог

Маҳкамов Носиржон Жўраевич²

PhD, доцент

¹Андижон вилоят ортопедия-травматология шифоҳонаси

²Андижон давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6946909>

Мавзуни долзарблиги Касалликнинг негизида сон суяги дегенератив-дистрофик ўзгаришлари ривожланиши, касалликни босқичма-босқич суяк таналарига, бўғимлари ва боғламларига тарқалиши билан кечадиган жараён ётади. Касаллик натижасида бўғимлараро сегментдан турғунлик ривожланади. Айниқса тоғайдаги патологик ҳолат сегментлараро гиалин элементлари ва толаларини эзилиши ҳамда оғриқли синдромни ривожланишига сабаб бўлади. Сон суяги бошчаси дегенератив ўзгаришларини ривожланиш босқичларида коксит ривожланиши, қуймич косаси ташқи юзасида остеофитларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг бўғим соҳаси томон ўсиб кириш ҳолатлари кузатилади. Сон суяги бошчасини дегенератив ўзгаришларини клиник ривожланишида статик, неврологик, вегетатив ва висцерал ўзгаришлар пайдо бўлади, пайдо бўладиган клиник ўзгаришлар касалликни ривожланган соҳаларига ва бўлимларига қараб характерланади.

Тадқиқот мақсад ва усуллари Шунини таъкидлаш керакки, касалликнинг кечиши ва босқичлари фақат рентген, МРТ ва невроген ўзгаришлари бўйича эмас, клиник кўринишга қараб белгиланади. Беморни текширилганда ҳаракатларини турган, ўтирган ва ётган ҳолатларда амалга оширилади. Бўғим соҳасидаги анталъгик ҳолат, ҳаракатларни кескин чегараланиш ҳолатлари аниқланганда албатта биринчи навбатда унинг давомийлик даврини аниқлаш лозим;

Беморни чалқанча ётган ҳолатида иккита қўл ёрдамида икки томонлама ёнбош суякларига қанотларига кафт-бармоқлар билан тос қисми ва мушакларни пальпация қилиш ва оғриган жойларини аниқлаш керак; Айниқса тос – сон бўғими ёнбош қисмини пальпациясида мускул бирикмаларида қаттиқ консистенцияли ҳосилалар пайдо бўлганлигини сезиш орқали аниқлаш мумкин.

Ҳулоса Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тос-сон дегенератив ўзгаришлар билан бирга содир бўлган ҳолатларида айниқса, сон боши дегенератив жараёнларининг бузилишини олдини олишга

қаратилган клиник-анамнестик ўзгаришларни ташҳислаш тартиби ва даволаш алгоритми яратилганлиги билан изоҳланади

Замонавий тиббиётда инсонларнинг саломатлигини муҳим омилларидан бири соғлом турмуш тарзи ҳисобланади. Буларнинг барчаси касалликларни тўлиқ тубигача ўрганишни талаб этади. Хулоса шуки, беморларга қўйилган ташҳис ва даволашда тўғри танланган тактика инсонлар саломатлиги учун яратилган омилларнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун сон суяги бошчаси дегенерати ва дистрофик касалликларини даволашда ҳам юқорида аниқланган маълумотлар муҳим тавсиялардан бири бўла олади.